17 (451)
2005 йил 27 апрель
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Мотамсаро она пойида...
▶ Гузар дегани гавжум бўлса-да!

3
▶ Саломатлик фалсафасини англайлик!
▶ Хунзаликлар ибрати

4
▶ Дунёдан хабардорлик ҳам фазилат!
▶ Беш марта ўлган ...тирик одам?!.

МУСТАҚИЛ ЮРТ ПОСБОНЛАРИ

Ўз элини кафтида тутган,
Неча-неча довонлар ўтган,
Алпомишдек энг моҳир мерган
Ўзбек элим фахри аскарлар,
Юрт посбони, асил аскардар!

Учувчидир бири бегумон,
Ракетани бошқарар омон,
Жалолиддин сиз-ку бу замон
Ўзбек элим фахри аскарлар,
Юрт посбони, асил аскарлар!

Широқлардан олгансиз таълим,
Ватан меҳри энг олий билим,
Темур Малик сафдадир элим
Ўзбекистон фахри аскарлар,
Юрт посбони, асил аскарлар!

Орангизда Таробий Маҳмуд,
Мағрур турар, ана алп қомат,
Омад тилар Паҳлавон Маҳмуд,
Ўзбекистон фахри аскарлар,
Юрт посбони, моҳир аскарлар!

Амир Темур фарзандларисиз,
Мустақил юрт посбонларисиз!
Она-Ватан дилбандларисиз
Ўзбекистон фахри аскарлар,
Омон бўлинг, асил аскарлар!

Тўлқин ЁРҚУЛОВ

ЎҒЛОНЛАР УЙГА – ИЗДОШЛАРИ САФГА

Бугун ҳар бир ёш юртдошимиз учун Ватанимиз Қуролли Кучлари сафида бўлиб, шу азиз мустақил юртга хизмат қилиш катта фахр ҳисобланади. Бугун бундай бахтга ёшларимиз катта синовлардан ўтиб, ўзининг шундай ишончга муносиблигини ҳар томонлама кўрсата олгачгина муяссар бўлмоқдалар. Бундай шарафли хизматга шайланган ёшларга барча ҳавас билан қарайди. Айни дамларда мамлакатимиз Президенти имзолаган ҳужжатга асосан ана шундай бурчни ўтаб бўлган алп йигитларни заҳирага бўшатиш ва улар ўрнига муносиб ёшларни ҳарбий қисмларга йўллаш жараёни давом этмоқда.

"Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви томонидан ана шундай дамларда, яъни Қуролли Кучлар сафидан заҳирага бўшатиш ва бу хизматга чоғланган ёшларни кузатув пайтида уларни турли совға-саломлар ҳамда эсдалик буюмлари билан қутлаш анъанага айланган. Ушбу чақирув даврида ҳам пойтахтимизда ва юртимизнинг барча ҳудудларида ҳарбий бурчни бажаришга йўл олаётганлар билан ана шундай тарзда кузатув амалга оширилди. Жамғарма ҳисобидан бир неча миллион сўмлик маблағ сарфланиб, бўлажак аскарларга совғалар топширилди.

СУРАТЛАРДА: жамғарманинг Янгийўл тумани бўлинмаси раиси Азимжон Жўраев бўлажак аскарларга совға улашмоқда (чапда); хизмат давомида дўстлашиб қолган хизматдошлар хайрлашмоқда (юқоридаги сурат).

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги олдидан

СОБИҚ ЖАНГЧИНИНГ ДИЛ ИЗҲОРИ

Андижон вилояти

Яна бир неча кунлардан кейин бутун дунёда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги кенг нишонланади. Ана шу ҳаёт-мамот жангида қатнашиб, ғалабадан кейин халқ хўжалигида самарали меҳнат қилган ва ҳозирда қарилик гаштини сураётганлари ҳам бугунги кунда саноқли.

Андижон туманидаги Сайфутдин Ашуров номли ширкат хўжалигида бутун умри давомида ҳалол ишлаб келаётган Тоштемир ота Аҳмедов ҳам ана шулардан биридир. Ёши 80 дан ортиб қолган собиқ аскар ҳозир ҳам бардам ва тетик, ўша жангу жадалларни яхши хотирлаб, ҳозирги авлодларга сўзлаб бермоқда. Отанинг 5 фарзанди, 20 дан ортиқ набиралари бор.

— Мана шу улуғ кунларга етказгани учун минг марта шукур, — дейди Тоштемир ота. — Бўлмаса мен ҳам ўша жанг майдонларида қолиб кетган миллионлаб шаҳиднинг бири бўлишим мумкин эди. Бизга ҳозир катта иззат-икром кўрсатилмоқда. Ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг қабул қилган Фармонларига кўра бир йўла 20 минг сўмдан мукофот берилаётганлиги ҳам мана шу ғамхўрликдан даракдир. Ер юзида ҳеч қачон уруш бўлмасин. Биз кўрдик, биздан кейинги авлод уруш азиятларини асло чекишмасин.

Дарҳақиқат, вилоятимизнинг ҳамма жойларида ғалабанинг 60 йиллигига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими, унинг туман ва шаҳарлардаги бўлинмалари жамоалари бу ишларда фаол иштирок этмоқдалар. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари бўлган отахонлар меҳнат жамоаларига, ўқув юртлари, мактабларга таклиф этилиб, уларнинг жанговор хотиралари катта қизиқиш билан тингланмоқда. Уруш фахрийларига совға-саломлар топширилиб, уларнинг кўнгли кўтарилмоқда.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

2-саҳифада

Навоий вилояти

ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

— Яна нима дейди?

— Неварангиз аскар бўлди, — дейди.

Кармана туманидаги «Маликрабод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Истиқлол» қишлоғи аҳолиси кўпдан орзу қилиб юрган ниятига эришди. Қишлоқ хонадонларига табиий газ етиб келди. Қисқа вақт ичида қарийб беш километрлик масофага газ қувурлари тортилди.

«Карманагаз» шўъба корхонаси ҳамда қишлоқ фаолларининг ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик билан қилган саъй-ҳаракати туфайли газ қувурлари тортиш ҳашар йўли билан амалга оширилди. Натижада уй бекаларининг юмушлари анча енгиллашди. Айни пайтда қишлоқнинг 100 дан ортиқ хонадонида «Зангори олов» ёна бошлади.

«Нарпай» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Чўтқара» қишлоғи, «Восход» ва «Баҳор» дала ҳовлилари аҳолиси ҳам табиий газдан баҳраманд бўлди. Бу йил Кармана туманида ҳашар йўли билан 11 километрдан ортиқ газ қувурлари тортиш режалаштирилган.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири

Спортимиз довруғи

БОКС

ТЎҚҚИЗ МЕДАЛ

Москва вилоятининг Нагинск шаҳрида бокс бўйича ташкил этилган халқаро турнирда Россия, Беларус, Украина, Қозоғистон, Молдова, Руминия ва Ўзбекистондан 1986-1988 йилларда туғилган спортчилар иштирок этди.

Ўзбекистонлик боксчилардан икки нафари — Акмал Худойқулов ва Ҳусниддин Шокиров турнирнинг олтин медалини қўлга киритди.

Ҳасан Турғунов, Фарҳод Эргашев, Ботир Бозоров, Зокир Ортиқов, Исроилжон Қурбонов, Нодир Икромов ва Аҳрор Миралимов бронза медали соҳиби бўлди.

Юртдошларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС

ТЕМУРНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

АҚШнинг Атлантик-Сити шаҳрида профессионал бокс бўйича ўтган мусобақанинг асосий учрашувларидан бири ўзбекистонлик ўта оғир вазнли боксчи Темур Иброҳимов ҳамда америкалик Дэвид Полк ўртасида бўлди.

Профессионал рингда ўн тўққизинчи жангини ўтказган ҳамюртимизнинг мезбонлар вакилига қарши жанги ўн раунд давом этди. Беллашувни кузатиб борган уч нафар ҳакам бир хил — 99:91 ҳисобида баҳо бериб, ўзбекистонлик чарм қўлқоп устасининг қўли баланд келганини эълон қилди.

Шундай қилиб, профессионал рингда атиги бир учрашувда дуранг натижа қайд қилган Темур Иброҳимов ўн саккизинчи ғалабасини нишонлади. Ўта оғир вазнда кам сонли енгилмас боксчилардан ҳисобланган вакилимиз айни пайтда жаҳон рейтингида 65-ўринни эгаллаб турибди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

СОҲИЛ СУВГА ТЎЛДИ

Маълумки, 2002 йил май ойидан эътиборан Амударёда сув мўл бўлиб, Жанубий Орол-бўйидаги ўнлаб кўллар, кўрфазлар об-ҳаёт билан тўлдирила бошланди. Қисқа муддатда Орол денгизининг собиқ соҳилидаги Судочье каби йирик кўллар, ички сув ҳавзаларида 100 минг гектардан кўп ҳудуд об-ҳаёт билан лим-мо-лим тўлдирилди.

Натижада паррандачиликни, чорвачиликни ривожлантириш, мустаҳкам ем-ҳашак базасини яратиш имкони туғилди. Мўйноқ туманидаги "Қозоқдарё" ширкат хўжалиги ҳудудида ўрдакчилик фермаси ташкил этилди. 800 гектар ерга моллар озуқаси учун бир йиллик экинлар экилди. Бу юмушлар Германиянинг Техникавий ҳамкорлик жамияти (GTZ) ёрдамида амалга оширилди.

Экологик мураккаб вазиятни юмшатишда фаол қатнашиш ниятида 2001 йили Қорақалпоғистонга келган мазкур жамият аъзолари "Орол денгизининг қуриб қолган қисмида ўрмон мелиорацияси", "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги хусусий секторига кўмаклашиш" лойиҳалари доирасида яқиндан амалий ҳамкорлик қилмоқда. Доктор Франк Хофлер лойиҳаси асосида ҳозиргача 25 минг гектар ерга зарарли чанг-тўзонларни тўхтатиб қолиш мақсадида ҳар хил кўчатлар ўтказилди. Денгиз саҳнига экилган бу ўсимликларнинг униб ўсиши яхши.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШУВ

У маҳаллалардаги муаммоларни, ижтимоий иқтисодий масалаларни ечишда муҳим аҳамият касб этмоқда

Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниевнинг маҳаллаларда бўлиб ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари, аҳолига кўрсатилаётган коммунал ҳамда маиший хизматларнинг аҳволи билан танишуви кўпгина муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш имконини бераяпти.

Ўтган ҳафта давомида вилоят ҳокими Қарши шаҳридаги Табассум, Табассум-1, Мустақиллик ҳамда Нуристон маҳаллаларида аҳоли билан юзма-юз учрашиб 99-ҳамда 21-ўрта мактабларда олиб борилаётган таъмирлаш ишларини кўздан кечириб, зарур маслаҳатлар берди. "Шоҳинийрон" уй-жой мулкдорлар ширкати томонидан ижобий ишлар амалга оширилаётганлиги қайд этилгани ҳолда, "Бинокор" уй-жой мулкдорлари ширкати бу борада исталган натижага эриша олмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Аҳолига электр қуввати, иссиқ сув етказиб беришда узилишларга йўл қўйилаётганлиги, баъзи уйларнинг юқори қаватига ичимлик суви етиб бормаётганлиги очиқ тан олинди.

Э.ҚУРБОНОВ

Хоразм вилояти

"МАҲАЛЛА" ҲАМКОРИ – "НУРОНИЙ"

Ҳаётда кексаларнинг ўрни беқиёсдир. Кўпни кўрган, қийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтиб, не-не яхши кунлар, тўй-томошаларга бошчилик қилган отахону онахонлар ибрати ўсиб келаётган ёшларга бир умрлик ҳаёт мактабидир.

Шу ўринда муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримовнинг 1998 йил 18 августда воҳамизнинг эъзозли отахони Болтабой Давлатовга йўллаган мактубидаги ушбу сўзларни келтириб ўтсак: Қарилик бу тажриба, мулоҳазакорлик, вазминлик ва донишмандлик демакдир".

Жамғармамиз Сиҳат-саломатлик йили учун тадбирлар белгилаган ҳолда амалий ишга киришган. Давлат идоралари, хусусий корхона ва фирмалар, тадбиркорлар, ишбилармонлар, саховатпеша инсонларнинг бевосита кўмагига таяниб, ногиронлар, етим-есирлар, ёлғизлар, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни йўлга қўйганмиз. Сиҳатгоҳларда кексалар учун барча қулай шароитлар ва имтиёзлар яратилмоқда, ошхоналарда бепул ёки арзон нархларда овқат бериш йўлга қўйилган. Бу борада "Наргиз" чойхонаси жамоаси олиб бораётган хайрли ишлар ибратлидир. Нуронийларни илмий ташкилотлар ҳомийлигида Хива, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Термиз, Урганч каби тарихий шаҳарларга зиёратга олиб бориш уюштирилмоқда. Хайрли тадбирларни амалга оширишда шаҳар ҳокимлигининг муруввати ҳам катта бўлмоқда. Алоҳида қаровга муҳтож якка-ёлғизларнинг ҳолидан хабар олиш мақсадида ижтимоий таъминот бўлими томонидан навбатчи хизматчилар ажратилди. Фахрийларнинг нафақа пулларини ўз вақтида етказиб бериш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Тиббиёт муассасалари ходимлари ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан тез-тез хабар олиб туришибди. "Умид нури", "Меҳр-шафқат", "Наврўз", "Экосан" жамғармалари ҳам бу борада ўз амалий ёрдамларини бериб туришибди. Яқинда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими билан биргаликда "Бахтимизга омон бўлсин кексалар!" тадбири ўтказилиб, нуроний отахон ва онахонларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Раҳимбой Каримов, Сардор Жобберганов, Ленинза Аскарова, Ойбиби Худойберганова, Нурмуҳаммад Кобулов каби фахрийларимиз ўтказилаётган тадбирларни сермазмун, фойдали бўлишини таъминлашда бой тажрибаси, умр сабоқларидан келиб чиққан ҳолда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳам бизга мададкор, ҳамкор бўлишяпти. Аҳилликда эса ҳикмат бисёр.

Аҳмаджон СОБИРОВ,
"Нуроний" жамғармаси Урганч шаҳар бўлими раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос.

Диққат-танлов!!!

Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси Ўзбекистон аёлларининг нуфузини, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш ва аёлларнинг юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги иштрокини кучайтириш, аёл зотини эъзозлаш ва улуғлаш мақсадида оммавий ахборат воситаларида фаолият юритаётган ижодкорлар ўртасида

"АЁЛ ОМОН БЎЛСА..."

номли хотин-қизлар ҳаёти, ижоди, фаолияти, муаммолари, Ватанимиз равнақи йўлида қилинган ишлари ҳақида матбуот саҳифаларида ёритилган энг яхши мақола, телекўрсатув, радиоэшиттириш ва фотокўргазмалар кўрик-танловини эълон қилади.

Мазкур танловга Ўзбекистон аёлларининг ҳаёти, орзу ва интилишлари, ижодий сафарлари , тадбиркорлик, фан, адабиёт, таълим, санъат ва бошқа турли соҳаларда меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз ҳақидаги лавҳалар, фотокўргазмалар, кўрсатув ва радиоэшитиришлар тақдим этилади.

Кўрик-танлов ғолиблари рўйхати 2005 йил 27 июнь — Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборат воситалари ходимлари куни арафасида матбуот саҳифаларида эълон қилинади.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хотин-қизлар Қўмиталари мазкур кўрик-танловни алоҳида ўз ҳудудларида ўтказадилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй тел/факс(998-71) 139-40-12, 139-40-42, 41-58-64
Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

Ахборот хавфсизлиги, муаллифлик ҳуқуқи ва давр

МАМЛАКАТИМИЗДА БЕРН КОНВЕНЦИЯСИ КУЧГА КИРДИ

Янги асрдаги глобаллашув жараёнлари коммуникация соҳасида ҳам мутлақо янги имкониятларни намойиш этаётир. Дунё бўйлаб тарқалаётган ахборотлар ҳажми кескин ортмоқда. Жаҳоннинг турли бурчакларидан олинган янгиликларнинг интернет орқали эркин ҳаракатланиши учун қулай шароит юзага келди.

Турли сиёсий гуруҳлар ва террорчи ташкилотлар ахборот технологиялари ютуқларидан ғаразли мақсадларда фойдаланаётгани сир эмас. Улар интернет саҳифалари, баъзи телерадиоканаллар, шунингдек, турли нашрлар, аудио-видео маҳсулотлар орқали одамларнинг, айниқса ёшларнинг онги ва фикрини чалғитиб, уларни ўз йўлига солишга уринмоқда. Бундай вазиятда мамлакат ҳудудига ахборотларнинг тегишли назоратдан ҳоли ҳолда кириб келиши салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Ахборот хавфсизлиги кўплаб мамлакатларда миллий хавфсизлик концепциясининг ажралмас қисмига айланган. Бу йўналишга ихтисослаштирилган махсус муассасалар ташкил этилган.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил январда ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, халифалик тузишдек хомхаёлларни амалга оширишга уринаётган қабиҳ кучларнинг илдизини қирқиб ташлаш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Президент Ислом Каримов раҳбарлигида тинчликсеварлик ва тенг ҳуқуқлиликка асосланган ташқи сиёсат юритаётган давлатимиз халқаро террорчилик ва экстремизмга, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига, қурол-яроғ контрабандасига қарши курашда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Айрим жиноий тўдалар мамлакатимиздаги барқарор вазиятни, тинчлик ва хотиржамликни турли йўллар билан издан чиқаришга уринмоқда. Бунда улар аҳолининг, айниқса, ёшларнинг онгини заҳарлаш учун турли воситалардан кенг фойдаланмоқда.

Мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан бундай қонунбузарликларга барҳам беришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилиятпи. Жумладан, 2005 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси саъй-ҳаракати билан динни нотўғри талқин этувчи мингдан зиёд нашрнинг юртимиз ҳудудига олиб кирилиши тўхтатиб қолинди.

Мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасида содир этилаётган жиноятларга қарши кураш масаласи доимий эътиборда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил қабул қилинган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуни бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

2004 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Жорий йилнинг 19 апрелидан мамлакатимизда мазкур Конвенция талаблари кучга кирди. Бу халқаро ҳужжатни расман тан олган мамлакат ўз ҳудудида муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни, яъни хорижий муаллифлар ва улар яратган асарларнинг қонун йўли билан ҳимоя қилинишини таъминламоғи лозим.

Мамлакатимизда Берн конвенциясининг кучга кириши Президент Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган теран ислоҳотларнинг яна бир самарасидир.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги олдидан

Фашизм устидан қозонилган ғалаба шарафига ёдгорлик мажмуи ўрнатилмаган давлат, шаҳар кам топилади. Бу ёдгорликлар пойидан Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотирасига қўйилган гулчамбарлар аримайди. Пойтахтимиздаги Мотамсаро она ёдгорлик мажмуаси ҳудудида эса айни кунда ободонлаштириш ишлари авжида. Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланадиган сана олдидан мажмуа хиёбонлари кенгайтирилиб, йўлкалар тартибга келтирилмоқда.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Йиғин фаолияти қандай?

СУРХОННИНГ ГАВЖУМ ГУЗАРЛАРИ

Кейинги йилларда вилоятда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти сезиларли даражада кучайди. Қишлоқ ва маҳалла йиғинлари халқнинг ишончини қозонди. Одамлар оқсоқолнинг изидан эргашадиган, айтган сўзига қулоқ тутадиган, берган маслаҳатига амал қиладиган бўлди. Бир сўз билан айтганда, маҳалла билан халқнинг якдиллиги яққол кўзга ташланмоқда. Бу ҳол бежизга эмас. Бугунги кунда маҳалла элнинг, юртнинг корига яраяпти. Бева-бечора, етимларнинг бошини силаяпти. Уларни ижтимоий ҳимоя қилаяпти.

Сурхондарё вилояти

Шу ўринда бир мисол, биргина ўтган йили вилоятда фаолият кўрсатаётган юздан ортиқ маҳалла гузарларининг сони яна ўн бештага кўпайди. Демак, халққа маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилашнинг янги имкониятлари очилди. Икки юздан ортиқ ёш йигит-қизлар ижтимоий меҳнат билан банд бўлди.

Темур Нарзуллаев мактабда билимдон, пешқадам ўқитувчи эди. Боз устига Сариосиё туманида номдор полвон сифатида шуҳрат қозонганди. Бундан беш йил муқаддам Хуфар қишлоқ йиғини тасарруфидаги Сарижуй маҳалласига раис этиб сайланди. Ҳа, Темур полвонга 954 оилада умргузаронлик қилаётган 4736 фуқаронинг назари тушди. Оқсоқолнинг бир ташвиши ўн чандон ошди. Чунки маҳалладаги Гулистон, Сарижўй, Новобод, Зоғхона, Чиноробод каби тоғ қишлоқларида муаммолар қалашиб ётарди. Раис қўл қовуштириб турмади. Енг шимариб ишга киришди. Маҳалла ободончилигига алоҳида эътибор қаратди. Қишлоқдошларини ҳам хайрли ишга жалб этди. Дастлаб Чиноробод қишлоғидаги 1,5 километрлик йўлга шағал ётқизилди. Қишлоқ тепасидаги қабристонга ғишт терилиб, атрофи девор билан ўраб олинди.

Навбат Сарижўй қишлоғида гузар қуришга етди. Бу ишдан ҳеч ким ўзини четга олмади. Ҳашарга қўлидан иш келадиган ҳар бир фуқаро ҳисса қўшди. Тадбиркор Ҳимойитдин Беков қурилиш ҳомийси эди. Сармоясидан гузар барпо этишга беш миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфлади. Саккиз ойда тоғ бағридаги сўлим қишлоқда кўркам маскан бунёд бўлди. Ундан савдо ва тижорат дўкони, чойхона ва ошхона, маиший хизмат кўрсатиш нуқталари ўрин олди. Тикувчилик корхонаси қишлоқ чеварларидан ўн нафарини иш билан таъминлади. Эшонқул ҳожи Назруллаев ҳаётини ёшларга таълим-тарбия беришга бағишлаган фидойи инсон. Қарийб қирқ йил Гулистон қишлоғидаги умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчилик қилиб катта иззат-икромга сазовор бўлган. У узоқ йиллар давомида мисқоллаб тўплаган сармояси ҳисобидан маҳалла гузари қуришга қарор қилди. Ҳамюртлари уни қўллади, қувватлади. Ҳожи бобо бошлаган хайрли иш ўн беш хонадан иборат ажойиб гузар қурилиши билан якунланди. Бундай эзгу иш Кенгузар маҳалласида ҳам амалга оширилди. Яқинда Кенгузарда ишга туширилган шинамгина маҳалла гузари ҳамиша одамлар билан гавжум.

Маҳаллаларда гузарлар қуриш Жарқўрғон туманида ҳам намунали йўлга қўйилди. Тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерларининг ҳомийлиги туфайли ўтган икки йилда туманнинг Сурхон, Жарқўрғон, Минор, Чоржуй маҳаллаларида, Какайди қўрғонларида барпо этилган саккизта маҳалла гузарида қишлоқ меҳнаткашларининг оғири енгил, узоғи яқин бўлмоқда. Яқинда Термиз туманида бўлганимда Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дилбар Муҳамматова мени маҳалла гузарига бошлаб борди.

— Наврўз байрами арафасида гузарни ишга туширдик, — деди Дилбар опа. — Уни тадбиркор аёл Сайёра Маматова қурди. Сармоясидан сарфланган маблағи 6 миллион сўмдан ошди. Қаҳрамон маҳалласи фуқароларидан йигирма икки киши ишга жойлашди. Кокилдор ота маҳалласида ҳам худди шундай лойиҳа асосида қурилаётган гузарда сўнгги пардозлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Дарвоқе, маҳалла гузарлари тарбия ўчоғи ҳамдир. Милиция таянч пунктлари айнан маҳалла гузарларида жойлашган. Гузарлар аҳолига хизмат кўрсатиш маскани бўлганлиги учун профилактик нозирлар бу ерга келган кишилар билан турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиш имкониятига эга бўлмоқда, ҳуқуқбузарликларнинг олди олинмоқда.

Шу боисдан ҳам вилоятда маҳалла гузарлари қуриш, уни замон талаблари даражасида жиҳозлаш, ободонлаштириш, хизмат кўрсатиш тармоқлари сонини кўпайтириш борасида алоҳида тадбирлар кўриляпти.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Диққат: танлов!

Ёш авлодни соғлом руҳда камол топтириш, жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, фуқаролар онгида диний маърифат тушунчаларни тўғри шакллантириш, қалбида эзгу туйғу ва фазилатларни қарор топтириш каби масалалар бугунги жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Ана шу мақсадда маҳалла фуқаролар йиғинлари таркибида Президентимиз ташаббуси билан диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилгани ва уларнинг фаолияти йўлга қўйилганлиги қувонарли ҳолдир. Яқинда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви томонидан ташкилий ва амалий йўналишларда самарали фаолият кўрсатаётган маслаҳатчиларни аниқлаш ва илғор тажрибаларини оммалаштириш мақсадида "Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" Республика кўрик-танлови эълон қилинди.

"Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси"

Республика кўрик-танлови НИЗОМИ

I. Кўрик-танловнинг мақсади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда ушбу Фармон ижросини таъминлаш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги Қарори асосида ҳудудида камида 500 оила яшайдиган маҳаллалар, шунингдек, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини кенгаши девони таркибида ташкилий ва амалий йўналишларда самарали фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни аниқлаш, илғор тажрибасини кенг оммалаштириш.

II.Кўрик-танлов шартлари

Кўрик-танловда қатнашиш учун диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи диний маърифат ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия борасида олиб бораётган ташкилий ва амалий фаолият йўналишлари бўйича низомий вазифалар бажарилишини таъминлаш, олиб борган ва олиб бораётган ишлари бўйича қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган маълумотномани туман, (шаҳар) ҳакамлари ҳайъатига тақдим этадилар:

— Республика Президентининг 2004 йил 25 майдаги Фармони ҳамда ушбу Фармон ижросини таъминлаш бўйча Вазирлар Маҳкамасининг Қарорини амалга оширишга қаратилган йиғин маслаҳатчисининг тадбирлар режаси;

— соғлом муҳитни шакиллантириш ва саломатликни муҳофаза этиш (2005 йил "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастури бўйича);

— миллий ва диний урф-одатларимизни такомиллаштириш, ўрганиш ва тарғиб қилиш, тўй ва маросимларни ихчамлаштириш, умуминсоний қадриятларни тиклаш ва янада ривожлантириш;

— оилавий жанжалларнинг олдини олиш, оилаларда ўзаро тотувликни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини белгилаш;

— йиғин ҳудудида кам таъминланган, кўп болалик, ёлғиз, ёрдамга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

— йиғин ҳудудида тадбиркор аёллар ишларини ривожлантириш ва аёлларни иш билан таъминлаш;

— ёшлар тарбияси борасида "Маҳалла—мактаб—оила" ҳамкорлиги концепциясини ҳаётга жорий қилиш;

— ёшларни турмуш қуришга тайёрлашга оид тадбирлар;

— ёшларни ватан ҳимоясига тайёрлаш мақсадида оналар ўртасида ташвиқот-тарғибот ишлари;

— тарбияси оғир, вояга етмаган болалар билан ишлашда суд, прокуратура, адлия ва милиция органлари билан биргаликдаги ишлар, ибратли оилалар ютуқларини оммалаштириш ва барча шу каби бола тарбиясига оид йўналишлар тўғрисида батафсил маълумот берилади.

— диний экстремистик оқимларга мансуб ҳамда унга мойиллиги бўлган шахсларни аниқлаш ва улар билан ташвиқот, тарғибот ишларини олиб бориш ва бошқалар.

Маълумотномага йиғин маслаҳатчисининг фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатлар (иш режаси, тадбирлар ва ҳ.к), фото суратлар, плакатлар, фотоальбом, стендлар, видео кассета тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликдаги иш режалари ва шу кабиларни илова қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумотномага тегишли равишда фуқаролар йиғинини кенгаши қарори, туман (шаҳар), вилоят даражасидаги "Маҳалла" жамғармаси ва хотин-қизлар қўмитаси қўшма қарори ва бошқа расмий ҳужжатлар биргаликда топширилади.

III. Кўрик-танловни ташкил этиш

Кўрик-танлов жойларда вилоят, шаҳар, туман "Маҳалла" жамғармаси бўлим ва бўлинмалари ҳамда хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлигида тузилган комиссиялар томонидан ўтказилади.

IV. Кўрик-танлов босқичлари

Кўрик-танлов босқичма-босқич ўтказилади.

Биринчи босқич. 2005 йилнинг 15 июлига қадар туман ва шаҳарларда тегишли комиссиялар томонидан ўтказилиб, бунга ҳар бир туманга биттадан номзодни танлаб олинади ва ҚР, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади.

Иккинчи босқич. 2005 йилнинг 5 августигача ўтказилиб, бунга ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хакамлар ҳайъати туман, шаҳар ҳакамлар ҳайъати томонидан кўрсатилган номзодлар фаолиятини жойларда батафсил ўрганиб, биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб ибратли маслаҳатчиларни аниқлайдилар ва уларни муносиб рағбатлантириш тўғрисида тегишли "Маҳалла" жамғармаси бўлим бошқаруви ҳамда Хотин-қизлар қўмитасига тавсия этадилар.

Учинчи босқич. Кўрик-танловнинг республика босқичи 2005 йил 1 сентябргача Республика комиссияси томонидан ўтказилади. ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўригида биринчи ўринга сазовор бўлган маслаҳатчилар эришган ютуқлари республика комиссияси томонидан ўрганиб чиқилади ва билдирилган таклифларни эътиборга олган ҳолда "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси раёсатларининг қўшма мажлисларида тасдиқланади.

V.Кўрик-танлов якунлари бўйича тегишли ҳужжатлар ва уларни тақдим этиш тартиби

Кўрик-танловда қатнашган ҳар бир фуқаролар йиғини маслаҳатчиси фаолиятлари бўйича тайёрланган тўлиқ маълумотномани, керакли иловалар, йиғин кенгаши қарори ва йиғин раиси хати билан тегишли туман (шаҳар) комиссияларига белгиланган муддатда тақдим этилади.

Маълумотнома фуқаролар йиғини кенгаши раиси ҳамда маслаҳатчиси имзолари ва маҳалла муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Туман комиссиялари, энг намунали деб топилган маслаҳатчи маълумотномасини фуқаролар йиғини кенгаши ва ўз қарори билан ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссиясига юборадилар.

ҚР, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссиялари тегишли туман (шаҳар) комиссиялари тақдим этган маълумотларни кўриб чиқиб, биринчи ўринни эгаллаган маслаҳатчи ҳужжатларини, ўз қарори билан бирга Республика кўрик-танлови комиссияси тасдиғига киритадилар.

Республика кўрик-танлов ҳайъати тақдим этилган маълумотномаларни кўриб чиқиб, ғолибларни "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси раёсатининг қўшма мажлиси тасдиғига киритади.

Республика кўрик-танлови Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрамини нишонлаш арафасида якунланади.

VI. Ғолибларни тақдирлаш

"Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" вилоят кўрик-танлови ғолиблари, Республика ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилади ва Республика "Маҳалла" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланади.

Ислом КАРИМОВ:

"...Албатта, аҳолимизнинг соғлиғини сақлаш ва даволашда давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган вазифалар, янги йилга мўлжалланган давлат бюджети ва харажатларини белгилашда етарли даражада маблағ ажратиш, тегишли идора ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, бу соҳага алоҳида эътибор бериш ўз йўли билан ҳал этилади...

...Лекин мен шу ўринда барчамиз оддий, аммо муҳим бир ҳақиқатни унутмаслигимизни истардим, яъни одамзотнинг соғлиғи кўп жиҳатдан авваламбор унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун у ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиши, шак-шубҳасиз, катта ўрин тутади..."

Соғлом турмуш — ҳаётни севишдир!



Ҳакимжон МЎМИНОВ — Республика Саломатлик институтида услубиятчи шифокор бўлиб ишлайди. Бунгача қариб 25 йил давомида Хоразм вилояти Саломатлик маркази бош шифокори сифатида, 7 йил вилоят Санэпидстанциясининг санитария бўлими мудири сифатида фаолият юритган. 2000-2001 йилларда Данияннинг "Карл-Бро" компанияси Қишлоқ санитарияси дастурининг Хоразмдаги лойиҳасида Бош мутахассис сифатида иштирок этган. Саломатлик фалсафасига доир туркум мақолалар, "Соғлом турмуш — соғлиққа йўл", "Соғлиқ масъулияти" каби соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи китоб-қўлланмалар муаллифи. Ҳакимжон ака билан суҳбатимиз замондошларимизнинг кундалик турмушда ўз саломатликларига кўпинча бефарқликлари, бунинг сабаблари ҳақида.

— Сўнгги йилларда нафақат бизнинг юртимизда балки бутун дунёда инсон саломатлиги масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилаётганига гувоҳмиз. Лекин нима учундир замондошларимиз ҳаётида соғлом турмуш тарзи мутлақ ҳоким бўлишига эришиш қийин кечмоқда? Бу ҳолат сабабларини нимада кўрасиз? Балки ташвиқот-тарғибот ишларини янада кучайтириш лозимдир?

— Аввало, соғлом турмуш тарзи деганда замондошларимиз нимани тушунишлари лозимлиги хусусида тўхталсам. Соғлом турмуш тарзи ўзига хос фалсафадир. Уни тўлиғича англаш учун кишининг онги етарли даражада ривожланган, дунёқараши кенг бўлиши лозим. Бу фалсафа моҳиятини англамасдан туриб ҳам, унга кўр-кўрона амал қилиш мумкин. Шифокорнинг кўрсатмаси асосида парҳез қилаётган, яъни ўзини шўр, аччиқ, ёғли таомлардан тийиб юрган киши мисолида буни тушуниш осонроқ. У шифокор таъқиқлаган таомлар ўзининг танасига, аъзоларига қай йўсинда, қандай таъсир қилишини англамайди, зарарлигини билади холос. Чунки у ўз танасидаги аъзолар қай тартибда ишлаб унинг ҳаётий заруратларини таъминлашини билмайди, бунга қизиқмайди ҳам. Парҳез муддати ўтгач, унинг ҳаёт тарзи аввалгидек давом этади. Ваҳоланки, ҳар бир инсон танаси Яратганнинг мўъжизакор яратмишидир, инсон ўз танаси имкониятлари, хислатларини англагани сайин ўз руҳиятини англай бошлайди. Соғлом турмуш тарзи ичмаслик, чекмаслик, спорт билан шуғулланишдангина иборат эмас, бу ўринда фикрлаш, ҳаёт моҳиятини нечоғлик чуқур англаш муҳимдир. Қисқача айтганда, соғлом турмуш тарзи аввало ҳаётни севишдан бошланади. Ҳаётни севган одамгина тансиҳатликнинг қадрига етади, фақат касал бўлганда эмас, балки кундалик турмушда, туну кун саломатлигини асраш тадоригини кўради, яқинларига, фарзандларига ўрнак бўлади.

— Техника тараққиёти асрида яшаяпмиз. Айниқса, тиббиёт соҳасида техник воситалар, фармацевтика кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Ҳозир замонавий тиббиёт чорасиз бўлган хасталиклар жуда кам. Шунга қарамай соғлиғидан нолийдиганлар сони камайгани сезилмаяпти. Айрим жиддий хасталиклар эса йилдан-йилга ёшариб бормоқда?

— Дарҳақиқат, шундай. Бугунги кунда соғлигидан шикоят қилувчилар асосан ўрта ёшли ва катта ёшдаги одамлар. Бу ёшдаги одамлар кўп ҳолларда соғлом турмуш тарзи талабларини унутиб яшайдилар, шу боис дарддан фориғ бўлишлари қийин кечади. Уларнинг дардга қарши курашлари қуйидаги тартибда кечади: аввало шифокорга мурожаат этадилар, сўнгра эса таъсири кучли дориларни қўллашга мажбур бўладилар. Ана шу дорилар ҳам, тиббий муолажалар ҳам баданнинг бирор соҳаси ёки тизимлари ишини яхшилагани билан, бошқа аъзолар, айниқса, ҳаётий муҳим аъзолар — жигар, буйрак, ошқозон-ичак тизими, тери-нафас йўлларига зарарли таъсир этади. Бундай ҳолнинг сурункали давом этиши шу аъзолар фаолиятини ишдан чиқариб, жиддий салбий оқибатларга олиб келади. Демак, кўпгина тиббий муолажалар кишига берилган табиий умрнинг бир қисмини исроф қилиш ҳисобига бўлади. Ҳатто бу ҳол турмуш тарзига айланиб, умрини шифокор-дорихона-касалхона оралиғида ўтказаётганлар ҳам кўпчилик. Сабаби, биз касал бўлсак шифокорга бориб, касалхонага ётиб, дорилар ва тиббий муолажалар ёрдамида аҳволимизни нисбатан яхшилаб, янаги касаллангунга қадар уйда, ишда ўзи бўларига яшаб ўрганганмиз.

Кўп йиллик кузатувлар натижасида шундай хулосага келдимки, одамзод ўз саломатлигидан кўра атрофдаги моддий нарсаларга ўн баробар, ҳатто ундан-да ортиқроқ эътиборли. Қадимда ҳам одамлар касаллик хуружи кучайгандагина дардларига даво излашга киришганлар. Демак, бу қусур одамзоднинг қонида бор. Кишилар саломатликдан кечиб бўлса-да моддий фаровонликка эришмоқчи бўладилар. Энг ачинарлиси, бу шунчалик одатий ҳолга айланганки, бировнинг баланд ҳарорат билан бозорда савдо қилаётганини кўрсак, "Бечора-да, тирикчилик!" деймиз, ёки ишхонада дақиқа сайин акса уриб тумовни атрофдагиларга ҳам юқтириб ўтирган ҳамкасбимизни "ишга роса фидойи-да бу одам" дея таърифлаймиз. Биронтамиз уларга танбеҳ берсак-чи? Йўқ. Чунки кун келиб ўзимиз ҳам шамоллаб қолсак, худди шундай иш тутамиз-да. Ҳафсала билан даволанишга вақтимиз йўқ. Қанчадан-қанча одамлар "Ишларимни битирай-чи, кейин бир йўла яхшилаб даволанаман" деган фикрда ҳам азобланиб, ҳам хасталикни авж олдириб юрадилар. Спиртли ичимлик, тамаки чекиши мутлақо мумкин бўлмаган жигари хаста одамни биламан: у қулай фурсат келди дегунча ичади, тинмай чекади. Касаллик хуруж қилганда фарзандлари тўрт томонга зир югуришади, даволатишади, насиҳату илтижолар қани энди унга кор қилса, унинг жавоби шундай: "Қандай истасам шундай яшайман, малол келса қарамаларинг!" Албатта, ким қанча яшаши Яратганнинг иродасига боғлиқ. Лекин бизга умримизни соғлом ва хушвақтликда ўтказиш, демакки, узайтириш учун ҳам имкониятлар берилган-ку. Буни мен инсонга Яратган томонидан тортиқ этилган энг улуғ неъмат — умрни исроф қилиш дея атайман. Энг ачинарлиси, айнан миллатдошларимиз орасида ўз саломатлигига бефарқ кишилар кўплаб учрайди. Бу энг аввало, ҳар ишда меъёрга амал қилмасликда кўринади. Тиббиёт оламида машҳур бир русча мақол бор, таржимаси тахминан қуйидагича: "Инсон нимани тановвул қилса, у шундан иборатдир". Мен тиббиёт ходими сифатида энг аввало овқатланиш борасида меъёр тушунчасини қатъий белгилаш тарафдориман. Тўғри меҳмондўстмиз, бир-биримизга оқибатлимиз. Лекин оқибат ва сахийлик фойдасидан зарари кўп ёғли, таркиби ва хусусияти бир-бирига зид таомлардан тўкин дастурхон тузаб, спиртли ичимликни сероб қилишдангина иборат эмас-ку?! Саҳарлаб ёғли палов ейишимизчи? Қирқ-қирқ беш йиллик нотўғри ҳаёт тарзи оқибатида танада бирон жиддий хасталик юзага келмаганда ҳам, энг муҳим аъзолар ўз вазифасини бажаришга қийналиб қолади. Ҳеч бўлмаса энди соғлом турмуш тарзи асосида яшашга ўтиш, яъни тонгги тоза ҳавода тез юриш, югуриш, турли машқлар қилиш, парҳез ушлаш, ичиш ва чекишга чек қўйиш талаб этилади. Бунинг ўрнига тонг ёришмасдан паловхонтўра дамланган хонадонга ошиқадилар. Уларни кўп кузатганман: кўпчилиги қирқ-қирқ беш ёшли кишилар, ташқи кўринишлариданоқ бу инсон танаси тез тиббий аралашувга муҳтожлигини билиш қийин эмас. Тўғри, элга ош тортиш азалий удум. Балки азалда бу тадбир ўзини оқлагандир, замон руҳига, талабларига мос бўлгандир. Лекин бугунги кунимизга хос эмас бу одат. Бу менинг шахсий фикрим, албатта.

Саломатлигимиз дунёни, ўз танимизни, руҳиятимизни қанчалик англашимизга бевосита боғлиқлигини ҳаётга фалсафий ёндошган, фикрий салоҳияти улкан бўлган донишманд аждодларнинг умр салмоғларини таққосласак яққол кўрамиз: Беруний 76 йил, Фаробий 77 йил, Платон 80 йил, Толстой 82 йил, Микеланжело 89 йил, Софокл ва Фирдавсийлар 90 йилдан , Фалес 95 йил, Рассел 98 йил, Лутфий 99 йил, Демокрит 110 йил умр кўрганлар.

— Мана, бугунги кунда фуқаролар саломатлиги мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу суҳбатимиз ҳам 2005 йилнинг Президентимиз томонидан Сиҳат-саломатлик йили дея номланиши муносабати билан таҳририятнинг махсус режасига киритилганди. Бугун мамлакатимиздаги барча оммавий ахборот воситалари, тиббиёт, спорт, ўқув-таълим муассасалари фаолиятида аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга йўналтирилган тадбирлар алоҳида ўрин тутмоқда. Маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга эътибор катта. Жумладан кўплаб маҳаллаларда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун имкон бор, оилавий спорт кундан-кун оммалашмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар самарасини сиз қандай баҳолайсиз?

— Аҳолининг сиҳат-саломатлиги масаласи давлат миқёсига кўтарилгани ҳам бежиз эмас, чунки дунё ҳамжамиятида фуқаролари саломатлиги даражаси ҳар бир давлатнинг салоҳиятини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Ҳозиргача замонавий тиббиётнинг асосий вазифаси кишиларда юзага келган касалликларни даволашдан иборат эди. Ёшлар қандай тадбирлар сиҳат-саломатликка хизмат қилиши ҳақидаги узуқ-юлиқ тушунчаларни катталар ва ота-оналарнинг чекма, ичма каби таъқиқловчи кўрсатмаларидан ёки шифокор кўрсатмаларидан оларди. Тегишли адабиётлардан эса фаолияти соҳага доир бўлмаган кишилар умуман фойдалана олмайдилар. Хуллас, кўпчиликда соғлиқ тўғрисида унча тартибга келтирилмаган, анча мужмал тушунчалар мавжуд эди. Юртимизда "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар кўлами айни кунда ниҳоятда кенг, бу тадбирлар аҳолида саломатлик тўғрисида кенг тушунча шаклланишига хизмат қилади. Фикримча, барча йўналишдаги ўрта, олий ўқув муассасаларида соғлом турмуш тарзи сабоқлари ўқитилишини, оммавий ахборот воситаларида, айниқса, телевидение ва радиода "Фалон дори фалон дардга даво", ёки "Фалон тиббий муассаса фалондек хизмат кўрсатади" мазмундаги тижорат материаллар ўрнига соғлом турмуш тарзи моҳиятини, саломатлик фалсафасини ёритадиган эшиттиришлар кўпроқ берилиши лозим. Оилавий спортнинг оммалашиши ҳам яхши самара беради.

Соғлом турмуш тарзи – бу ниҳоятда кенг, қизиқарли соҳа, гўзал бир олам. Шунинг учун ҳам Гиппократ ва Ибн Синолар бу соҳага буюк бир санъат сифатида қараганлар. Биз биламизки, ҳар қандай санъат ўзининг гўзаллиги ва бетакрорлиги билан аҳамиятли. Соғлом турмуш тарзининг амалий моҳияти бу нафақат соғлом, бахтли ва узоқ умр, балки бу имкониятларни ишга солиш, ижодий баркамолликни таъминлаш, дунё ва ҳаётни теран англаш, ҳақиқий инсоний сифатларни намоён қилиш, комилликка эришиш йўли ва услуби ҳамдир.

Мавлуда ҚОСИМОВА
суҳбатлашди.

Олам турфа

МЕЪЁР МУЖИЗАСИ

Ўтган аср бошларида ятлган АҚШлик шифокор Уилям Говард Хей 41 ёшгача кенг қамровли Врач ва жаррох сифатида фаолият кўрсатган. 41 ёшида у гломерулонефрит (буйрагнинг шамоллаши) касаллиги билан оғриб, унга кейинчалик хафақон (гипертония) ва юрак етишмовчилиги ҳам қўшилади...

Бу соҳада машҳур врачлар ҳам Хейга самарали даво қила олмадилар, унга "Энди сизни даволаб бўлмайди, охират тадоригини кўрганингиз маъқул" деган маслаҳатни берадилар. Оғриклар ва юрак етишмовчилиги азобида ҳансираб ўтказаётган кунларнинг бирида (у вақтда Хейнинг оғирлиги 25 килограммга тушиб қолган) унинг қўлига инглиз ҳарбий врачи, полковник Маг Гаррисоннинг денгиз сатҳидан 2000 м баландликда, Ҳимолай тоғларида яшовчи Хунза қабиласининг турмуш тарзи ҳақидаги ахборати тушиб қолади.

Мазкур ахборатга қараганда, хунзаликлар жуда камтарин овқатланадилар. Баҳорда майса ва кўкатлар, ёзда мева — асосан ўрик, кузда полиз маҳсулотлари, қишда дон маҳсулотлари билан овқатланадилар. Овқатликлар камлигидан айниқса қиш ойларида улар деярли ярим оч ҳолда кун кечирадилар. Хунзаликлар орик, ғоят эпчил бўлганидан тоғларга енгил кўтариладилар, 100-200 километр масофани пиёда босиб ўтиш ҳеч гапмас. Баҳор, ёз, кузги 8-10 ой давомида улар очиқ ҳавода яшаб, ухлайдилар. Хунзаликлар ниҳоятда хушмуомала, самимий, очиққўнгил халқ. Улар ўртача 100-120 йил умр кўрадилар.

Хунзаликлар ҳаёти ва турмуш тарзини ўқиган Хей ўзининг турмуш тарзини, айниқса овқатланишини бутунлай ўзгартиришга қарор қилди. У асосан мева ва полиз маҳсулотларини пиширилмаган ҳолда истеъмол қилишга ўтади. Албатта, жисмоний машқларга ҳам катта эътибор қилади. Шундай турмушда у уч ойда саломатлигини кескин яхшилашга эришиб, ҳатто оғирлигини 25 килограмдан 80 килограмгача етказди. У бутунлай соғайиб кетади.

Ўзининг шахсий кузатишлари асосида Хей шундай хулосага келган: табиий овқатликлар билан овқатланганда, танада касалликлар келиб чиқмайди. Ҳаттоки бадандаги бир ёки бир неча аъзолар фаолияти издан чиққанда ҳам, табиий овқатланиш улар фаолиятини яна изга солади.

Кексалар саломатлиги алоҳида эътиборда

Муносабат: "Тугалланмаган бино..." 20 апрель

БУНДАЙ БИНОЛАР КАММИ?

"Mahalla" газетасининг 2005 йил 20 апрель сонида Ғайрат Бобоқулов Самарқанд вилояти Жума шаҳридаги Темурмалик кўчаси қоқ марказида тугалланмаган бинога чиқиндилар тўкилиб, атроф-муҳитни ифлослаштираётгани ҳақида юритибди.

Ушбу масала республикадаги барча маҳаллалар учун ҳам алоҳида мулоҳазага лойиқ деб ҳисоблайман. Бизниг Қаши шаҳридаги Хонтепа маҳалласида ҳам қурилиши тугалланмаган, 8-10 йиллаб қаровсиз, эгасиз ётган уйлар анчагина. Ҳатто, уларнинг эгалари ким эканлиги ҳам бизга маълум эмас. Табиийки, қаровсиз, ташландиқ ҳолатда ётган уйларга чиқиндилар тўкишади. Маҳалла йиғини, кўчабошилар шу жойларни тозалаш билан йил давомида овора.

Биз шаҳар телевидениеси орқали уй эгаларига мурожаат этиб, маҳаллага ўзлари ҳақида маълумот беришларини сўраб бир неча бор эфирга чиқдик. Ҳатто шаҳар раҳбариятидан ушбу кўп йиллик, чала, қаровсиз уйлар, ер участкаларини кимошди савдосига қўйиб, кам таъминланган оилаларига арзон нархда сотиб, маълум қисмини маҳалла ҳисоб рақамига тушишига ёрдам беришларини сўрадик. Афсуслар бўлсинким, бу масалани маҳаллий органлар ҳал қилолмас экан. Хўш, уй эгаларининг интизомсизлиги учун жавобгарлик борми? Нега улар уй-жой олишиб, ер участкаси олишиб, қаровсиз ҳолда ўн йиллаб ташлаб, ахлатхонага айлантириб, ҳеч қандай маъсулият сезмаса-ю, қўни-қўшнилар, маҳалла-кўй жабрини тортса? Ҳамма калтак маҳалла оқсоқолининг бошига келиб синса?

Файзулла МАМАНОВ,
Қарши шаҳридаги Хонтепа маҳалласи оқсоқоли.

Андижон вилояти

ОДАМ — ОЛАМ САРВАРИ

Дунёнинг жуда кўплаб жойларида юз бераётган табиий офатлар туфайли минглаб одамлар ҳаётдан кўз юммоқдалар, миллионлаб кишилар жабр кўрмоқдалар. Хўш, инсон ана шундай офатлар олдини ола оладими ёки табиат олдида кучсиз бир мавжудот бўлиб қолаверадими?

Ана шу ва шу каби кўплаб саволларга Тошкентдаги "Армон" экологик ҳуқуқий маркази ва Андижондаги "Шанс" нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган "Фавқулодда вазиятларда экологик хавфсизлик" мавзусидаги семинар-тренингда жавоб берилди.

Тадбир иштирокчилари бўлган вилоят ҳокимият органлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятлар, санитария-эпидемиология ва соғлиқни сақлаш тизими, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари вакиллари вилоятда экологик хавфсизликни таъминлаш, фавқулодда ҳолатларда фуқароларнинг ҳаракатлари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бу соҳада мутахассисларнинг маърузаларини тинглаб муҳокама қилдилар.

"Армон" экологик ҳуқуқий маркази директори Дилбар Зайнутдинова Фарғона водийсида ва вилоятдаги экологик вазият ҳақида йиғилганларга ахборот берди ва кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Наманган вилояти

"САЛОМАТЛИК ДАРСЛАРИ"

Уйчи туманида ёш авлоднинг сиҳат-саломатлигини таъминлаш, улар ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Уйчи шаҳарчасидаги Боғ, Жийдакапа қишлоғидаги Зиёкор ва Қизилравот маҳаллаларида, маиший хизмат коллежида ана шу мавзуга бағишланган давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

— Бу тадбирларга пухта тайёргарлик кўрдик, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасининг раиси Абдумутал Нажмиддинов. — Туман "Саломатлик" маркази билан ҳамкорликда ўтказилган бу суҳбатларнинг мавзуси олдиндан эълон қилинди. Давра суҳбати пайтида шифокорлар, меҳнат фахрийлари ва намунали оила бошлиқларининг сўзлари тинглангач, ёшларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарилди.

Айтиш жоизки, Сиҳат-саломатлик йили доирасида вилоятдаги маҳаллаларда ўтказилаётган бундай "Саломатлик дарслари" ўз самарасини бера бошлади. Маҳалла оқсоқолининг шу кундаги диққат-эътибори барча маҳалла фуқаролари йиғинларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича "Ибн Сино саломатлик маскани" маърифат марказларини ташкил этишга қаратилмоқда.

Узоқбой САКСОНБОЕВ

Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳридаги Ғафур Ғулом номли маҳаллада "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури асосида тузилган тадбирлар режасига кўра кўчма тиббий кўрик ўтказилди.

ШИФОКОРЛАР МАДАДИ

Шаҳар II-сон поликлиникаси ёрдамида ташкил этилган кўрикка маҳаллада яшовчи қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар таклиф этилди. Поликлиниканинг юқори тоифали шифокори ва таҳлилчи ҳамширалари уларни ҳар томонлама текшириб, зарур маслаҳатларни беришди.

— Очиғини айтиш керак, ҳозир ҳар кимда ҳам шифохонага бориб соғлиғини текширтириб туриш имкони йўқ, ёки одамларимиз бунга кўп эътибор беришмайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирҳамид Маҳмудов. — Шунинг учун II- поликлиника бош шифокори А.Воҳидовнинг ёрдами билан маҳалламиздаги бир гуруҳ фуқароларни шу ернинг ўзида тиббий кўрикдан ўтказишни лозим топдик.Кўрикка биз ўйлагандан кўпроқ маҳалладошларимиз келишди ва шифокорлардан йўл-йўриқ, кўрсатмалар олишди. Демак, бундай тадбирлар зарур экан. Шу боис маҳаллада тез-тез тиббий кўрик ўтказиб туришга қарор қилдик. Поликлиника ҳам бу ташаббусимизни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Самарқанд вилояти

САМАРАЛИ ТАРҒИБОТ

"Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурида "одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлишга интилган ҳаётий фалсафани шакллантириш" асосий йўналишлардан бири сифатида қайд этилган.

Ана шу тушунчани одамлар онгига сингдириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида айни пайтда вилоят ҳокимлигининг тарғибот гуруҳлари жойларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказишяпти.

Ҳар бир инсон соғлом бўлишни, узоқ умр яшаб, фарзандлар роҳатини кўришни истайди, лекин истакнинг ўзи камлик қилади-да. Соғлом бўлиш учун ҳаракат қилиш, шунга интилиш лозим.

Соғлом турмуш тарзи аввало оиламизда оддий нарсаларга эътибор беришдан, тозаликни сақлаш, тўғри овқатланиш, спорт билан шуғулланишдан бошланади. Шу билан бирга ҳар бир ота-она фарзандидаги ўзгаришлар, унинг ўсишини эътибордан четда қолдирмаслиги керак.

Шунингдек, учрашувларда гуруҳ аъзолари ёшларни турмушга тайёрлаш, никоҳ олдидан тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти, ҳомиладорлик вақтида аёлларнинг нималарга эътибор қаратишлари зарурлиги ҳақида гапириб, ўз маслаҳатларини беришди.

— Одамларимиз бундай учрашувларга муштоқ экан, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Нарпай тумани бўлинмаси раиси Иброҳим Исоқулов. — Кўп нарсани ўрганишяпти, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишяпти. Қишлоқ одамлари дала ишлари деб оддий нарсаларга ҳам кўп эътибор беришмайди-да. Учрашувдан кейин эса ўз уйлари, яшаш тарзлари ҳақида ўйлаб кўришяпти. Соғлом бўлиш учун қандай йўл тутиш кераклигини ҳис қилишяпти. Шундан келиб чиқиб айтишим мумкунки, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг бундай усули албатта, ўз самарасини беради.

Рустам ҲАЙИТОВ

Эҳтиёт шарт!

Кундалик турмушимиздаги эҳтиётсизлик ва бепарволигимиз туфайли баъзида юз берадиган кўнгилсиз ҳодисаларнинг энг асосий сабабчилари ўзимиз эканлигини ҳар доим ҳам тўғри англайвермаймиз. Қолаверса, бу борада фарзандларимизни, ёш авлодни вақтида огоҳлантирмаймиз, хушёрликка чорламаймиз ва назорат қилмаймиз.

БОЛАЛАРНИ НАЗОРАТСИЗ ҚОЛДИРМАНГ!

Хусусан, айни пайтда содир бўлаётган ёнғинлар таҳлили уларнинг кўпчилиги вояга етмаган ёшлар билан боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Мирзо Улуғбек тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан туман Халқ таълими бўлимига қарашли муассасаларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Болалар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказилиб, ёнғиндан келиб чиқадиган оқибатлар тушунтирилмоқда. Ўтказилган суҳбат ва учрашувлар ёшларни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига эътиборлироқ бўлишга ундайди ва ўйлаймизки, бу албатта келажакда ўз самарасини беради. Бу борада ота-оналар кўмаги катта аҳамиятга эга. Чунки, кўпгина ота-оналар уй юмушлари билан банд бўлиб ёки кун давомида ишда бўлиб, фарзандларини эътиборсиз қолдирадилар, оқибатда назоратдан четда қолган ва ёнғин хавфсизлиги борасида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган қизиқувчан болалар худди катталардек ўчоқда овқат қилиш учун олов ёққиси, чой қайнатгиси келади ва бундай ҳаракат ёнғинга сабаб бўлади.

Ҳа, бундай ҳолларнинг олдини олиш ва юқорида айтилган кўнгилсиз ҳодисаларнинг қайта такрорланмаслиги учун ёнғин хавфсизлиги қоида ва талабларига мунтазам риоя қилишимиз керак. Шундагина биз қисман бўлсада, юртимиз тинчлигига, инсонларнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришларига ҳисса қўшган бўламиз.

Мирзо Улуғбек тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими.

Маҳаллани тушуниш

БИЗ ЯШАЙДИГАН МАСКАН...

Маҳаллада ҳамма яшайди. Амалдор ҳам шу ерда, оддий одам ҳам шу ерда. Бой ҳам бор, камбағал ҳам бор, яхши ҳам юрибди, ёмон ҳам. Лекин халқимизга хос одатлардан бири — катталарга ҳурмат, кексаларга эътибор, ҳурмат ҳамиша устун. Аёллар эркаклар йўлини кесиб ўтмайди, қариялардан берухсат тадбир ўтмайди. Ёмонини билдирмасдан, яхшисини тўрга ўтказади.

Ҳар ҳолда асосий ҳолларда шундай устиворлик мавжуд бизда. Бирон жойда каттароқ лавозимларда ишлайдиган раҳбарларга ҳам маҳаллада, айниқса, ўзи яшайдиган маҳаллада ҳурмат бошқача. Йиғинларда, тўй-тумалоқларда, таъзияларда уларнинг оғзига қараб ўтирган одамлар улардан яхши гап эшитишга ҳамиша иштиёқманд. Зотан раҳбарлар жойларда давлат сиёсатини юритаётган арбоблардир. Албатта, Юртбошимиз айтганлиридек, раҳбарнинг сўзи ва ишига қараб одамлар давлат сиёсатига баҳо берадилар. Шунинг учун ҳам раҳбарликнинг ўзига хос маъсулияти билан бирга маҳалларда айтадиган сўзларининг ҳам жавоби бор. Одамлар сизни давлат одами деб ўйлаб, сиздан бирон бир воқеага муносабат билдиришни сўрашса, унинг жавоби салмоқли бўлишини унутмаслигимиз керак. Жавоб беришдан қочиб, ҳамма гапни юқорига юклаб қўйсангиз, билингки одамларнинг сиздан ихлоси қайтади. Шундай бир воқеага гувоҳ бўлдим.

Қачонлардир маҳалладаги бир хонадонда суҳбат қизиди. Шу пайт даврада ўтирган ўрта ёшлардаги бир одам ёши кичик бўлса ҳам амалини ҳурмат қилиб тўрга ўтказишган раҳбарга савол билан мурожаат қилди. У эса бу масалани ўз билим доирасида тушунтириш ўрнига осонгина жавоб бера қолди. "Энди буни тепадагилар билади-да, ака, биз нима қил деса шуни қиламиз". Ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлди. Даврада ўтирган бир йигит чидай олмади шекилли луқма ташлади. "Фалончи ака, бу саволга ўз ишхонангиз мисолида ҳам жавоб берсангиз бўларди-ку" деб саволга шундай чиройли жавоб берди-ки, даврадагилар беихтиёр "э,баракалла-ей" деб юборишди.

Шу ерда амалдорнинг обрўси бир қадар пастга тушди десам янглишмайман. Энди унинг қандай раҳбар эканлигини маҳалла ҳам тушуниб қолди.

Хўш, нега шундай бўлди. Бунинг иккита сабаби бор деб ўйлайман. Биринчидан, маҳаллада яшовчи бу амалдор ҳамон тепадан буйруқ кутиб ишлайдиган раҳбар. Унда ташаббус ва мустақил фикр йўқ. Бу энг ёмони. Иккинчидан, баъзи бир раҳбарларимиз ўз устиларида ишлашмайди, яъни ўз соҳаларидаги янгиликлар билан қизиқмасликлари майлию, газета-журналлар ҳам ўқишмайди. Шу ўринда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани қистириб ўтай.

Кўчада кетаётган туманнинг катта бир идораси раҳбари газетанинг фалон сонини қаердан топсам бўлади, деб сўраб қолди. Мен "Нима, ўзингиз лоақал ишхонага ёзилмаганмисиз" дедим. "Нима янгилик бўлса "Ахборот"дан биламиз, ука, ҳозирги иқтисодий қийинчилик пайтида бир сўм бўлса ҳам тежаганимиз фойда", деган жавобни эшитиб, ростмана жаҳлим чиқиб кетди. "Ҳеч қанақа иқтисодий қийинчилик йўқ, фақат маънавий қашшоқлик бор. Бу газетани эса тополмайсиз, қўлма-қўл бўлиб кетган" деб йўлимни бурдим.

Мана сизга битта раҳбарнинг тушунчаси, мулоҳазаси. Бундайлар камми?

Дарҳақиқат, биз баъзан баъзи раҳбарларга ўз соҳаларини билимдони деб таъриф берамиз-у, маънавий савияси қандайлиги билан қизиқмаймиз. Ҳар қандай шароитда, ҳар қандай қийинчиликда ҳам газета-журнал учун маблағ топса бўлади, мен шундай ўйлайман. Ҳар қандай шароитда, ҳар қандай вазиятда бугуннинг раҳбари кундалик матбуот турларини ўқиши шарт. Юқорида эсланган раҳбардек фақат "Ахборот"ни кўриш унинг ақли, билими, тафаккури қотиб қолишига сабаб бўлади, деб айтсак ҳам адашмаймиз.

Уйшун маҳалласида яшовчи Холмат бува 40 йил раҳбарлик ишларида ишлаган. "Илгарилари иш столимдан матбуотнинг 10-12 хили жой олар эди. Газета ўқимасам куним ўтмасди. Ҳозир нафақадаман. Пенсия пулимга 3-4 та газетага ёзилганман. Ўқиган билганларимни маҳалладошларимга айтиб бераман. Ҳар қалай дунёдан хабардор бўлсак, юртдаги ўзгаришларни билиб турсак, давлат сиёсатини англаб яшасак болаларимизни, ёшларимизни тўғри йўлга солишда жуда керак бўлади".

Қандай ақлли гап, қандай керакли гап!

Бу энди маҳаллада яшаётган раҳбарнинг маънавий томони ҳақидаги гаплар. Бундан ташқари унинг камтаринлиги, самимийлиги, инсонпарварлиги ҳам маҳалланинг кўз ўнгида. Шундай фазилатга эга бўлганларни кўрган халқ тақдиримиз яхши одамлар қўлида, деб нега қувонишмайди? Қувонишадигина эмас, фахрланишади. Менга айтиб беришди, бир маҳаллада ҳашар бўлган куни шу ерда яшовчи, каттакон вазирликда бошлиқ бўлиб ишлайдиган инсон қўлига курак олиб ариқ тозалашда бошқалар билан баб-баробар меҳнат қилибди. Бундан унинг обрўси тушиб қолгани йўқ, қайтанга унинг ёнида турувчилар, қўлини олувчилар кўпайиб кетди.

Маҳалланинг гапи кўп. Ундаги қизғин ҳаёт элни бирлаштириб, бир-бирига оқибатли, меҳрли қилса, яхши-ёмон кунларида елкадош этса бундан жамиятимиз фақат олдинга интилади. Маҳаллада яшаётган ҳар бир инсон эса шу улуғ Ўзбекистон учун дахлдордир.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Тошкент вилояти

Ангрен туманидаги Нишбош маҳалласи аҳолиси ҳудудда маиший савдо дўкони йўқлигидан азият чекарди. Элнинг бу эҳтиёжидан келиб чиқиб, маҳаллада яшовчи тадбиркор Абдумалик Қуролов хайрли ишга қўл урди, у ҳудудда кўркам гузар барпо этиб, ҳамқишлоқлари мушкулини осон қилди. Энг асосийси, гузарда икки қаватли дўкон фаолият кўрсатмоқда.

СУРАТЛАРДА: тадбиркор А.Қуролов (ўнгдан) ҳамқишлоғи Б.Ражабов билан.

Гузар кўриниши.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

Ҳаёт мўъжизалари

БЕШ МАРТА "ЎЛИБ-ТИРИЛГАН" ОДАМ

уни ҳар гал меҳрибон инсонларнинг меҳр-муруввати ҳаётга қайтарди

Бўлган воқеа

Ўзини Қаҳрамон Тайшаев деб таништирган бу йигит 1967 йилда Конимех туманидаги "Шўркўл" ширкат хўжалигининг Чўпон тўп қишлоғида туғилган экан. Суҳбатимиз қовушиб кетди.

— Мен Зарафшон шаҳри ёнидаги кончилар карьерида ишлаб келаётган эдим. Тушликка навбат билан овқат тайёрлар эдик. 1995 йилнинг 25 апрели эди ўшанда.

Ошпаз товуқ гўштини болта билан чопиб, майдалаб ошга бостирибди. Учинчи қошиқ ошни ютганимни биламан, товуқнинг майдаланган суяги томоғимдан ўтиб-ўтмай қизилўнгачга санчилиб қолди. Касбдошларим қаттиқ нон есанг, тезда ўтиб кетади, деб маслаҳат беришди. Бу ҳам кор қилмади. Шунда суякни суриб кетса, деб анчагина сув ичдим. Оғриқ кучая бошлади. Ҳамширалар ҳар эҳтимолга қарши Зарафшон шаҳридаги марказий шифохонага йўлланма беришди. Шифохонага етиб борганимизда, шифокорлар кетиб бўлишган экан. Мени "Тез ёрдам" бўлимидаги навбатчи — яқиндагина ишга келган ёш шифокор йигит қабул қилди. Мутахассислиги тўғри келмасада, текшириб томоғингизда суяк йўқ, деди. Бироз хотиржам уйга қайтдим. Бироқ уйда қанча ҳаракат қилсам-да, томоғимдан овқат ўтмади. Эрталабки нонушта ҳам фақат чой билан якунланди. Якшанба куни "Тез ёрдам" шифохонага олиб кетди. Томоғимни рентгинга тушуришди. Врач А.Савченко тайёр бўлган плёнкага синчиклаб тикилиб қаради-да, сўнг уни менга кўрсатиб, томоғингдаги суякни кўраяпсанми, — деди. Суяк қизилўнгачимнинг икки томонига санчилиб қолган экан. Шифокор акамни ташқарига бошлади.

— Укангнинг аҳволи жуда оғир. Ҳозир унинг ҳаёти қил устида турибди. Одамнинг боши билан гавдаси ораси, яъни уларни боғлаб турувчи жой — бўйинда бўладиган операция медицинада энг нозик ва энг хавфли операциялардан бири ҳисобланади. Сабаби — тирикликни таъминловчи юзлаб катта-кичик томирлар ва нерв толалари ана шу бўйин орқали гавдага ўтган. Биронта томир ёки тола фавқулодда кесилиб кетса, бунинг оқибати ёмон бўлиши мумкин. Шунинг учун сиз менга "укамни операция қилишга розилик бераман ва ҳеч қандай даъво қилмайман", деб тилхат ёзиб беришингиз керак. Акс ҳолда мен укангизни операция қилолмайман, — дейди.

Акам чорасиз шифокорга айтилгандай тилхат ёзиб беради.

Мени олти ярим соат давомида операция қилишди.

Тунги соат ўн иккиларда кўзимни очсам, ёнимдаги стулда А.Савченко тиббиётга оид қандайдир китоб ўқиб ўтирган экан. Сўзлай десам овозим чиқмасди. Қимирлай десам мажолим йўқ эди. Барча куч-қувватим, қалбимнинг ҳис-туйғулари кўзларимга кўчди.

— Йиғлама, ўғлим!.. Бахтинг ва умринг бор экан, — деди А.Савченко. — Бир ўлимдан омон қолдинг. Операция биз ўйлагандан ҳам яхши ўтди. Юрагинг жуда бақувват экан. Сени азобларга қўйган ўша ярамас суякни олиб ташладик. Бугун дам оласан, куч йиғишинг керак. Эртага яна операция қиламиз.

Эртаси куни мени иккинчи марта жарроҳлик столига ётқизишди. (Ўшанда 28 ёшда эдим!) Операция тўрт соат давом этди. Врачлар бўйнимдаги операция ўрнини очиқ қолдиришди. Сабабини эртасига билдим. Врач ҳар куни 2-3 марта томоғимнинг у томонидан бу томонига бинт ўтказиб йиринглардан тозалаб турди. Қон томирларим бир куни кечаси, қон босимимнинг кўтарилишига бардош беролмай ёрилиб кетса бўладими?! Зудлик билан кўрилган чораларга қарамай кўп қон йўқотиб, аҳволим анча оғирлашиб қолди. Аксига олиб юрагим уришдан тўхтаб қолибди. Шунда бўйнимдаги биттагина қон томирим нимжонгина уриб турганини А.Савченко ҳушёрлик билан илғайди ва юрак массажини янада кучайтиради. Уч ярим дақиқадан сўнг юрагим аста-секин ҳаракатга келади... Бу воқеа нафақат менинг ҳаётимдаги, балки атрофимдаги шифокорлар фаолиятидаги мўъжиза эди.

Бундай мўъжиза беш ойлик беморлик давомида беш марта такрорланди, яъни юрагим шунча марта уришдан тўхтаб ўлим ҳолатига тушдим ва яна шифокорларнинг хизмати туфайли қайта тирилдим.

Бўйнимдаги айрим қон томирларимнинг зўриқиб ёрилиб кетиш ҳолатлари беш ой давомида ўн марта такрорланди.

Ўнинчи марта ёрилганида, қон томирларимни қайта тикишга яроқсиз бўлиб қолди. Тошкентдан Алишер деган тажрибали шифокор ёрдамчиси билан самолётда етиб келишди. Улар ўзлари билан бирга махсус идишларда қон томирчаларини ҳам олиб келишган экан. Улар мени операцияга ётқизишди-да, яроқсиз ҳолга келиб қолган қон томирчаларим ўрнига қон томирчалари бўлакчаларини улашди. Шундан сўнг қон томирларим бошқа ёрилмади. Кундан кунга соғая бошладим.

Масалан, беш ойлик беморлик давримда врачлар менга 11 марта "наркоз" бериб операция қилишди, қон томирларим ёрилиб кетганида 14 литр қонни донорлардан тўппа-тўғри томирларимга қуйишди. Уч ой давомида оғзимдан, бурнимдан найча орқали овқатлантиришди. Икки йил нон ейишга рухсат беришмади...

Ҳа, қаҳрамонимиз ҳолатига ачинасан киши. Бироқ суянчиқ, мададкор, меҳрибон инсонлар орамизда борлигидан қувонмай бўлмайди. Буни ажал остонасидан омон қайтган суҳбатдошимиз шукроналари орқали янада кучлироқ ҳис қилдим. Омон бўлинг, халоскор шифокорлар.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

Рақамлар тарихи

"СИФР"НИНГ СИРИ...

Илм-фанда дунёга ном таратган олимлару даҳолар авлоди эканлигимизни бугун бутун дунё тан олмоқда. Шундай бобокалонларимиздан бири, дунёда арифметика ва астрономия илмларининг тараққиётида тамал тошини қўйган аллома — Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийдир. Унинг ҳисоб-китоб илми асосчиси экани, қадимдан Оврўпода машҳур математик олимлар айнан бизнинг бобокалонимиз асарлари асосида изланишлар олиб борганини тарихий маълумотлар исботлайди.

Энг қизиғи, неча асрлардан бери бутун дунёда муомалада бўлган араб рақамларининг ҳам асосчиси ал-Хоразмийдир. Бу ҳақда салоҳиятли олима Фозила Сулаймонованинг "Шарқ ва Ғарб" китобида қуйидаги қизиқарли маълумотлар келтирилади:

"...XIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган Пизалик савдогар Леонардо Фибоначчи Оврўпанинг дастлабки кўзга кўринган математиги бўлиб, унинг математика қомуси, "Абака китоби"да Хоразмий асарларидан яхшигина фойдаланганлиги сезилиб туради. Леонардо асарлари масалани баён этиш нуқтаи назаридан ҳам Хоразмийни такрорлайди, муаллиф асар қўлёзмаси ҳошияларида Хоразмийдан далиллар келтиради. У Жазоир—Пиза ўртасида савдогарлик қилар ва араблардан ўнлик рақамларини ўрганиб, унинг афзаллиги ҳақида рисолача ёзади, ўғилларининг Жазоирда Шарқ матиматикасига ўқитади. Леонардонинг китобчаси туфайли Оврўпаликлар араб рақамларининг афзаллигини англаганларидан сўнг секин-аста ҳаётга татбиқ этадилар. Араб рақамлари деб аталувчи бу рақамларни (1,2,3,4, ва ҳ.к) аслида Муҳаммад Мусо Хоразмий ҳинд рақамлари асосида ишлаб чиққан эди.

Рим папаси Сильвестр II (вафоти 1003 йил) буйруғи билан Хоразмий рақамлари Оврўпада жорий қилинади, аммо унинг кўп тарқалиши XIII асрга таалуқлидир. XIII асрдан бошлаб Оврўпа мамлакатларида математика фанига қизиқиш ортади. Айниқса, ҳинд-араб рақамлари деб аталмиш ҳозирги рақамларнинг Хоразмий ишлаб чиққан варианти "алгоритм", ёки "алгоризм" яъни ал-Хоразмий номининг лотинчалаштирилган шакли остида кенг тарқалди. Рақамлар билан бирга Оврўпага янги сўзлар ҳам кириб келади — французча chiffre, немисча ziffer, инглизча cipher, русча "цифра" сўзлари арабча "сифр" — "бўшлиқ" деган сўздан олинган.

Ҳозирги кунда ал-Хоразмийнинг алгебрага оид "Ал-китоб ал- мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала" асарининг арабча нусхаси Оксфорд университетининг Бодлеян кутубхонасида сақланмоқда. Рисоланинг лотинча таржимаси Испаниянинг Сеговия шаҳрида 1145 йили черстерлик Роберт ва иккинчи таржимаси XII асрда Толедода кремоналик Херардолар томонидан амалга оширилган. Ҳар иккала таржима кенг тарқалган бўлиб, ҳозир уларнинг қўлёзмалари шунчалик кўп учрайдики, бу ҳолат ўша асарлардан дарслик сифатида фойдаланганликларидан далолат беради. Олимнинг арифметикага оид асарининг лотин тилидаги таржимаси Англиянинг Кембриж университети кутубхонасида сақланмоқда, рисола "Dixit Algorizmi" ("Ал-Хоразмий деди") сўзлари билан бошланади. Математика тарихининг билимдони Г.П.Матвиевскаянинг ёзишича, "алгоритм" сўзининг келиб чиқиши, ал-Хоразмий номи билан боғлиқдир..."

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Дам олиш кунларигача турмуш ўртоғингиз ва иш ҳамкорларингиз билан "санман"га бормасликка эришсангиз, яқин кунларда кайфиятингиз аъло бўлади.

СИГИР(22.04-20.05)
Унутмангки, шанба куни ушалмайдиган орзулар ҳақида ўй суришга берилманг, асосий ва муҳим ишларингизни бажаришга кечикасиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Сиздан тажрибасиз бўлса-да ақл ўргатишга шошилган ҳамкасбингиздан кўпам аччиқланаверманг. Ундай вақтингизда балки ўзингиз ҳам...

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ота-онангиз ва катта ёшли яқинларингизнинг маслаҳатларини тинглашда ўзингизда куч тополсангиз бирор фойдали нарсани билиб олишингиз аниқ.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Эсингизда бўлсинки, бордию яқин кунларда узоққа сафарга отлансангиз, керакли ҳужжатларни алоҳида хушёрлик билан ҳозирланг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Шу кунларда бирон нарса харид қилиш фикрингиз бўлса, бу тадбирни кейинроққа қолдирганингиз маъқул. Шунда маблағингиз беҳуда сарф бўлмайди.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Яқин кунларда атрофдагилар шаънига тегадиган сўзлар айтишдан ва бу билан ўзингизга душман орттиришдан сақланинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Иш жойингизда сизга "зарба бериш" учун пайт пойлайдиганлар топилади. Вазиятга қараб, хушёрлик билан иш кўринг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Дўстларингизнинг ҳар бир таклифларига кўнишдан аввал, вазиятни ақл тарозусида узоқ ўлчаб кўринг, бундан фақат фойда кўрасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Уй-жой, кучмас мулк билан боғлиқ ишларни оз фурсатда битказаман деб, оввора бўласиз ва беҳудага куч сарфлайсиз холос.

КОВҒА (20.01-18.02)
Уй жиҳозлари ёки таъмирлаш воситалари сотиб олиш учун келаётган шанбадан бошқа ҳам фурсат бор, шу куни бозорга бориш шарт эмас.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Сиз ҳам яқин кунларда катта харжларга йўл қўймай, майда-чуйда буюмлар хариди билан кифоялансангиз, асабларингизга катта "яхшилик" қилган бўласиз.

Газетанинг 2005 йил 6 апрель (13-14) (447-446) сонида чоп этилган "Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ томонидан 2000 йили "YUNUSH^OJA" УМШга берилган думалоқ мухр йўқолганлиги сабаб бекор ҳисобланади" деган мазмунда эълон берилган бўлиб, УМШнинг думалоқ мухри дубликати айни пайтда УМШнинг қонуний фаолиятда бўлган раҳбарияти ихтиёрида мавжудлиги муносабати билан УМШ раҳбарияти талабига кўра ушбу эълон ҳақиқий кучга эга эмас деб ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "OZ — BOGERO" хусусий фирмасининг йўқолган шартнома лойиҳалари ва фирма белгиси туширилган бланкалари директорнинг ҳақиқий имзосисиз ҳақиқий ҳисобланмайди.

Утерянный гос.ордер 10-02/5215 от 30.01.1993 г. о праве собственности на имя Логвиновой Анна Павловна на квартиру считать не действительным.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна Берди ҚУРБОНОВ, Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

9560 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-322 Топширилди — 21.00
1 2 3 4 5